

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР



ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ  
ИМ. А. С. ПУШКИНА

ЗАХИР АД-ДИН МУХАММЕД БАБУР

# БАБУРНАМЕ



ИЗДАТЕЛЬСТВО  
АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ ~ 1960

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ  
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР

# БОБИРНОМА



АМ ҲЗСР  
БИБЛИОТЕКА  
ИНСТИТУТИ  
ТИЛ ВА АДАБИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ ~ 1960


4707

Нашрга тайёрловчилар:

ПОРСО ШАМСИЕВ  
СОДИҚ МИРЗАЕВ

\* \* \*

ЎзССР Фанлар академиясининг  
корреспондент аъзоси В. ЗОҲИДОВнинг  
сўз бошиси ва таҳрири билан



## БОБИРНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА АДАБИЙ-ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

**Б**из мамлакатимиз халқларининг, шу жумладан, Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқларининг дўстлик ва ҳамкорликда бир-бирларига таъсир этиб, узоқ йиллар давомида яратган беҳисоб моддий ва маънавий бойликлари билан фахрланамиз. Бу бойликларсиз умум башарий маданиятни, унинг тарихи ва тараққиётини тасаввур қилиш мушкул ва кўп ҳолларда мумкин эмас.

Улуғ Октябрь революциясининг мислсиз ютуқларидан бири шундан иборатки, совет халқи асрлар давомида ўз ота-боболари ва прогрессив инсоният томонидан яратилган маданий бойликларга чинакам эга бўлиб қолди.

Коммунистлар партияси, Совет давлати ва совет халқи халқлар даҳоси томонидан яратиб келинган маданий бойликларга юксак муҳаббат ва ҳурмат билан қарайдилар.

Шу туфайли ҳам илмий-текширишларимизда рўй берувчи сузлик, шунингдек, халқлар тарихи, улар яратган маданият тарихининг у ёки бу масаласига нотўғри муносабатда бўлиш сингари ҳолларни халқимиз, партиямиз қонуний равишда танқид қилади.

Узоқ ўтмишда ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида муҳим роль ўйнаган йирик сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобирдир. У ўз даврида истеъдодли лашкарбоши ва давлат арбоби, талантли ёзувчи ва санъат, адабиёт ҳамда фаннинг қадрини биладиган атоқли олим бўлган. Унинг музика, шеърят ва ҳарбий иш ҳақида ёзган рисолалари бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, бироқ унинг бошқа қатор асарлари илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиши билан Ғарб тарихчиларини қизиқтириб келгани каби, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон

сиз, айниқса катта. Ажойиб ўзбек шоираси Нодира Бобирнинг номини катта фахр ва ҳурмат билан тилга олади. Абулғозихоннинг машҳур «Шажараи турк»и эса худди «Бобирнома» билан эгизакка ўхшайди деса бўлади.

Адолат юзасидан шуни ҳам қайд қилмоқ зарурки, Бобирнинг аҳамияти ёлғиз ўзбек халқи адабиёти ва маданияти тарихи рамкаси билан чекланмайди. Машҳур ҳинд ёзувчиси Мулк Раж Ананд 1958 йилда Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференцияси трибунасидан туриб айтган эди:

«... Сўнгги йилларда мен Москвадаги Шарқ музейида сақланаётган ажойиб санъат асарларини жуда синчиклаб ўрганиб чиқдим. Улуғ Бобир мемуарлар ёзганлиги сизларга маълум. У поэтик прозада ёзган эди. Бу китоб биз билан сизнинг меросимиздир. Бу Ўзбекистондаги каби бизда ҳам гоёят қадрланади. Ҳиндистоннинг баъзи рассомлари, жумладан, Бобирнинг чевараси ушбу китобга расмлар чизган. Бу ажойиб қўлёзманинг бир нусхаси Москвада сақланмоқда. Уни бутун дунёдаги энг ажойиб санъат асари деса бўлади. Мен Москвада бир неча марта шу музейда бўлиб, мазкур ажойиб қўлёзmani ўргандим... Биз дунёдаги энг гўзал асарлардан бирини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида баҳам кўрамиз».

Ҳеч шубҳа йўқки, биз Бобир ва бошқа тарихий титан шахсларнинг бой ва кўп қиррали меросидан давримизнинг муҳим вазифаларини бажаришда бизга ёрдам бера оладиган ҳамма яхши нарсаларни олишимиз ва фойдаланишимиз лозим, буни қилмоқдамиз ҳам.

Бошқа масалаларда бўлганидек, бунда ҳам марксизм-ленинизмнинг гениал таълимоти биз учун йўлчи юлдуз ва калитдир.

В. Зоҳидов.



## НАШР ҲАҚИДА



збек классик адабиётининг XV аср охири, XVI аср бошларида яшаб ижод этган атоқли намоёндаларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобир ўзининг қарама-қаршиликли, мураккаб ва қисқа ҳаётида (1483—1530) анчагина асарлар яратган бўлса-да, у асарларнинг ҳаммаси бизгача етиб келган эмас.

Бобирнинг ҳозиргача илм хазинасига келиб қўшилган асарлари — унча тўлиқ бўлмаган бир девони, машҳур «Бобирнома» асари, ислом дини асосларини баён этувчи «Мубаййин» номли рисоласи ва «Волидия» аталган бир китобча таржимасидан иборатдир.

Бобирнинг ҳозиргача қўлга кирган асарларидан унинг лирик шеърлари (ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, фард ва маснавийлари)нинг тексти дастлаб 1917 йилда Петроградда машҳур рус шарқшунос олими проф. А. Самойлович томонидан нашр этилган. Бу тўплам баъзи бир изоҳлар билан анчагина пухта тайёрланган бўлиб, унга Париж кутубхонасида сақланмоқда бўлган қўлёзма девон тексти ва Ҳиндистонда мавжуд бўлган девоннинг яна бир қўлёзмаси ҳамда «Бобирнома»даги шеърий парчалар асос қилиб олингандир<sup>1</sup>.

Бобир девонидаги шеърий жанрларнинг бир қисми 1931 йилда Истамбулда чиққан «Миллий татаббуълар мажмуаси»да ҳам нашр этилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> А. Самойлович нашри. Петроград, 1917. *مجموعه اشعار بابر پادشاه*

<sup>2</sup> жилд I, № 2, 3. Истамбул, 1931. *ملى تبتعلر مجموعەسى*

Улуғ Октябрь революциясидан кейин Бобир асарларидан айрим намуналар Ўзбекистонда биринчи марта (1928 йилда) проф. Фитрат томонидан эълон қилинди. Проф. Фитрат тузган «Ўзбек адабиёти намуналари» номли хрестоматияда «Бобирнома»нинг Ҳиндистонга оид қисмидан турли парчалар келтириш билан бирга, 31 ғазал, икки маснавий ва 28 та рубоий берилгандир<sup>3</sup>.

Шундан кейин Бобир шеърларидан айрим намуналар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Олим Шарафиддинов тузган «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси»да<sup>4</sup>, филология фанлари кандидати Ҳоди Зариф тузган «Навоий замондошлари»<sup>5</sup> номли тўпламда ва «Ўзбек поэзиясининг антологияси»да<sup>6</sup> босиб чиқарилди.

Лутғий ва Навоий каби сўз санъати улуғ арбобларининг ғазалнавислик традицияларини ривожлантирган, бу жанрни янада бойитган Заҳириддин Муҳаммад Бобир лирик шеърларининг тўлиқ текстини шоирнинг 1958 йилда ўтказилган 475 йиллиги юбилейи муносабати билан китобхонга етказилди<sup>7</sup>. Бу тўлиқ текст проф. А. Самойлович ва Истамбул нашрлари асосида С. Азимжонова ва А. Қаюмов томонидан тайёрланган эди.

Бобир девонининг автографига эмас, ҳатто бирорта қўлёзма нусхасига ҳам эга эмасмиз. Бинобарин, Бобирнинг ўзи шеърларини девон тузиш асосида тартибга сола олганми, йўқми экани ноаниқ. А. Самойлович тузган текст эса қоришиқ ҳолдадир. Сўнгги нашрга тайёрловчилар мазкур текстни ўз тартибида олганлар. Шу билан бирга «Мубаййин» рисоласидан ҳам намуна тариқасида айрим парчалар илова қилганлар.

Бобир шеърларидан бир қисмининг русчага таржимаси 1943 йили Тошкентда, 1957 йили Москвада ва 1959 йили Тошкентда босилиб чиқди.

Бобир асарларининг энг муҳим ва энг йириги Урта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид жуда нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ва ўша давр ўзбек классик адабиёти ва адабий тилининг ёрқин намунаси бўлган «Бобирнома» асаридир.

Бу асар мазмунининг ранг-баранглиги, бир жаҳон материални ўз ичига олганлиги, тил ва услубининг гўзаллиги билан XVIII, айниқса XIX аср шарқшунос олимларининг диққатини ўзига тортган ва унинг

<sup>3</sup> Ўзбекистон адабиёти тарихи хрестоматияси, II том, Ўздавнашр, Т., 1945, 30—52-бетлар.

<sup>4</sup> Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси, II том, Ўздавнашр, Т., 1945, 30—52-бетлар. Бу китоб охирига «Бобирнома» асаридан ҳам катта парча илова қилинган.

<sup>5</sup> Навоий замондошлари, Ўздавнашр, Т., 1948, 183—195-бетлар.

<sup>6</sup> Ўзбек поэзиясининг антологияси, Ўздавнашр, Т., 1948, 150—155-бетлар.

<sup>7</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Танланган асарлар, ЎзФА нашриёти, Т., 1958.

турли қўлёзма нусхалари излана бошлаган ва ғарб тилларига таржима қилишга киришилган эди.

Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлса-да, кейинчалик «Воқианома», «Тузуки Бобирий», «Воқиоти Бобирий» деб атадилар, охирида «Бобирнома» деган ном машҳур бўлиб кетди<sup>8</sup>.

Бу асарнинг мавжуд тўлиқ тексти 1857 йилда турколог Н. И. Ильминский томонидан Қозонда типография йўли билан ўзининг тўрт бетлик нашр принципларини кўрсатган русча сўзбошиси билан босилган. Асарни нашрга тайёрлаш ва дунёга чиқаришда рус олими Н. И. Ильминскийнинг зўр фаолият кўрсатганини алоҳида қайд этиш керак.

Бу нашрдан кейин 1905 йилда инглиз ориенталистларидан А. Бевериж хоним «Бобирнома»нинг Ҳайдарободда топилган бир қўлёзмасининг факсимилесини (қўлёзманинг айна ўзини) цинкография йўли билан нашр этди. Бу нусханинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани номаълум. Бу ҳам тўлиқ текст бўлса-да, Қозон босмасига нисбатан баъзи бир тушиб қолган жойлари ва айрим нуқсонлари бордир.

Лекин умуман олганда ҳар иккала нусха ҳам айрим-айрим нуқсонлардан холи эмасдир.

Лондон нусхасининг афзаллиги шундаки, бунда А. Бевериж нусханинг айна ўзини бериб жуда яхши иш қилган, шу билан бирга асар охирида мукамал киши, географик ва қабила, уруғ номлари кўрсаткичи берган ва инглиз тилида ўн бетлик сўзбошиси ҳам бор. Лекин кўрсаткичларни транслитерациясиз араб ёзуви билан беруви номларни тўғри ўқиш масаласини қийинлаштиради.

Мана шу икки мавжуд нусхага асосланиб, 1948—1949 йилларда «Бобирнома»нинг икки қисмдан иборат тўлиқ тексти босиб тарқатилган эди<sup>9</sup>. Бу нашр янги ўзбек алифбесига, киши ва географик номлар кўрсаткичи ва тўлиқ лугат, баъзи бир қисқа изоҳ ва таржималар иловаси билан босилган эди.

Лекин бу нашр, кейинги ишлаш процессида маълум бўлишича, жуда кўп нуқсонларга эга экан. Бунинг асосий сабаби, ҳаммадан илгари ҳар иккала нусхага бефарқ ёндашишдан, танқидий текширишнинг бениҳоят пасивлигидан деб қараш керак.

«Бобирнома»нинг бу тексти ана шу кейинги босманинг бошдан оёқ қайтадан ишлаб чиқилган янги нашридир. Илгариги нашри каби бунда ҳам юқоридаги иккала босма нусха асосга олинди. Шу иккала нусхага қайтадан таққосланиб, иккисига ҳам танқидий қаралди. Бирисини-

<sup>8</sup> Қаралсин: «Бобирнома», I қисм. Сўз боши, Т., 1948, 5—8 бет. (Бунда «Бобирнома» қўлёзмалари, нашри ва турли тилларга таржималари ва бошқалар ҳақида маълумот берилган).

<sup>9</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома, I—II қисм, Т., 1948—1949, нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, С. Мирзаев.

бириси тўлдириш йўли билан тузилган бу текст анчагина мукамаллашди ва равшанлашди. Нусхаларда маъно жиҳатидан муҳим фарқли сўзлар келганда бундайларнинг фарқ ва вариантлари бет остида кўрсатила берилди. Бу жиҳатдан бу нашрнинг бет ости изоҳлари аввалгига нисбатан кўпайиб қолдики, бу материал сифатида фойдаланувчилар учун муҳимдир.

Бу нашрни тайёрлаш давомида айрим сўз ва терминлар транскрипциясини аниқлаш масалаларида «Бобирнома»нинг Анқара (Туркия)да туркчага қилинган таржимаси<sup>10</sup> ва филология фанлари кандидати М. Сальенинг русчага қилган тўлиқ таржимасини<sup>11</sup> ҳам кўздан кечириб борилди ва шулар билан мослаштиришга уринилди.

Китоб охирига илова қилинган кўрсаткичлар қайта тузилди ва таржималар ҳам янгидан қараб чиқилди. Асарнинг илгари босмасида баъзи бир тушириб қолдирилган жойлари бу босмада киритилиб, текстни мукамаллаштирилди.

Аmmo қилинган шунча жиддий ишларга қарамасдан, ҳали ҳам ишда бир мунча нуқсонлар мавжудлиги аниқ. Жумладан, айрим сўзлар, аниқса Афғонистон ва Ҳиндистонга тааллуқли бўлган жуғрофий номлар, киши исмлари, ўсимлик ва ҳайвонот отлари ва бошқа хил атамалар транскрипциясини батамом тўғри ва аниқ деб бўлмайди. Иш процессида масаланинг энг қийин томони ҳам шу бўлди. Булардан бошқа яна бир муъча текстологик камчиликлар бўлиши мумкин. «Бобирнома»нинг пухта тайёрланган танқидий тексти майдонга чиқмагунча ва «Бобирнома»да қўлланган Урта Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистонга оид барча тарихий номларнинг аниқ транслитерацияси ишланмагунча бу асарнинг нашрларида ноаниқлик ва нуқсонлар юз бериши табиийдир.


«Бобирнома»нинг бу нашрини қайта тайёрлаш ишларини бажариш вазифаси институт томонидан бизга ҳавола қилинди. Ишдошимиз ҳурматли Содиқ Мирзаевда юз берган хасталик у кишининг бу нашрда ишлаганига имкон бермади. Текстларни солиштириш, кўрсаткичларни қайта тузишда Тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари Ш. Эшонхўжаев, М. Мирзааҳмедова, Р. Камолова, Ҳ. Мухторова, Н. Қаримова ва Т. Ғофиржонова ҳамда Шарқшунослик институтининг илмий ходими Т. Нишонбоева ўртоқларнинг берган ёрдамлари учун миннатдормиз.

Бу иш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ҳамда Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтлари ҳамкорлигида бажарилди.

П. Шамсиев.

<sup>10</sup> Zahiruddin Muhammed Babur. Vekayl, Babur'un hatiratı, жилт I—II, Анқара, 1944—1946.

<sup>11</sup> Бабури-наме, записки Бабура. Ташкент, 1958.



МУНДАРИЖА

Бобирнинг фаолияти ва адабий-илмий мероси ҳақида (В. Й. Зоҳидов) . . . . .	5
Нашр ҳақида (П. Шамсиев) . . . . .	53
(Саккиз юз тўқсон тўққизинчи йил воқиалари <sup>1</sup> ) . . . . .	59
Тўққиз юзинчи (1494—1495) йил воқиалари . . . . .	80
Тўққиз юз биринчи (1495 — 1496) йил воқиалари . . . . .	91
Тўққиз юз иккинчи (1496 — 1497) йил воқиалари . . . . .	97
Тўққиз юз учинчи (1497 — 1498) йил воқиалари . . . . .	102
Тўққиз юз тўртинчи (1498 — 1499) йил воқиалари . . . . .	117
Тўққиз юз бешинчи (1499 — 1500) йил воқиалари . . . . .	125
Тўққиз юз олтинчи (1500 — 1501) йил воқиалари . . . . .	136
Тўққиз юз еттинчи (1501 — 1502) йил воқиалари . . . . .	150
Тўққиз юз саккизинчи (1502 — 1503) йил воқиалари . . . . .	158
Тўққиз юз тўққизинчи (1503—1504) йил воқиалари . . . . .	177
Тўққиз юз ўн биринчи (1505 — 1506) йил воқиалари . . . . .	215
Тўққиз юз ўн иккинчи (1506 — 1507) йил воқиалари . . . . .	247
Тўққиз юз ўн учинчи (1507 — 1508) йил воқиалари . . . . .	266
Тўққиз юз ўн тўртинчи (1508 — 1509) йил воқиалари . . . . .	280
Йигирма бешинчи йил воқиалари . . . . .	282
Тўққиз юз йигирма олтинчи (1519) йил воқиалари . . . . .	315
Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525) йил воқиалари . . . . .	321
Тўққи юз ўттиз учинчи (1526) йил воқиалари . . . . .	372
Тўққиз юз ўттиз тўртинчи (1527) йил воқиалари . . . . .	402
Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528) йил воқиалари . . . . .	411
Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқиалари . . . . .	452
Таржималар . . . . .	463

## БОСМА ХАТОЛАР

Бет	Қ а т о р		Босилган	Ўқилиши керак
	Юқоридан	Пастдан		
154	—	2	Нуён	Нўён
162	—	5	Тошқанд	Тошканд
182	12	—	Хисравшоҳин	Ҳисравшоҳни
192	—	5	ножу	ножў
202	15	—	муқаррардур	муқаррардур
218	—	17	зайн	зайи
219	10	—	иноятт қилдик	иноят қилдук
245	5	—	мустаҳзор	мустаҳзар
260	16	—	банд	бад
261	—	13	Шерқўлини	Шерқулини
267	—	18	Каттавоз <sup>3</sup>	Кататвоз <sup>3</sup>
286	10	—	толим	толиим
310	17	—	Асос	Асас
323	1ва2	—		Бу байт мисра- ларининг ўрнини алмаштириб ўқиш керак
344	11	—	парраларни	парралари
344	11	—	кўзалак	кўзалик
358	18	—	асордур	исордур
373	13	—	келли	келди
391	—	17	Вадар	Ва дар
394	—	20	бир	бар
399	4	—	Баёнани	Биёнани
404	—	8	қилин	қалин
434	9	—	Эсам	Эсан
434	—	1	Б. б	Л. б
440	—	3	ҳаёти	хаёли
441	4	—	деликим	дедимким
441	20	—	Тўлатиш	Тўламиш
453	15	—	қўл.	қул
499	6	—	189, 189	189
513	—	5	Тўққи	Тўққиз

